

Оила фикҳидан



14:00 / 15.02.2024 6348

Унаштирилган кишилар муносабатлари тўғрисидаги саволлар жуда кўп сўраладиган саволлардан. Масалан:

- Унаштирилган йигит билан қиз телефонда гаплашиб юрса бўладими?
- Унаштирилган йигит - қиз ёлғиз қолсалар бўладими?
- Унаштирилган йигит - қиз учрашиб юрса бўладими?
- Унаштирилганлар бир-бирларига расмлар юборса бўладими? Ва ҳоказолар.

Унутмангки, шариатда никоҳланган ва никоҳланмаган деган мақомлар бор.

Унаштирилган деган мақом йўқ. Бинобарин, ўзаро муносабатларда унаштирилган билан унаштирилмаганнинг динда асло фарқи йўқ.

Унаштирилиш йигит ва қизнинг ўзаро муносабатларида ҳеч қандай янги нарса пайдо қилмайди. Ундан олдин ҳаром бўлган нарсалар ундан кейин ҳам ҳаром бўлади.

Унаштиришнинг ягона фойдаси томонлар бир-бирига ваъда бериши холос. Бу ваъда ҳам кўп уламолар наздида суннат бўлади, баъзилар вожиб деган.

Бироқ унаштириш деган нарсанинг салбий томонлари талайгина:

1. У томонларни бир-бирига яқиндек қилиб қўяди. Оқибатда, ношаръий - ҳаром ишларга журъат пайдо қилиши мумкин. Ҳаётда бу тез-тез учраб туради. Унаштирилганлар ўзаро гаплашиб, учрашиб юришлари, баъзида зинога олиб бориши ҳам мумкин.

2. Йигит - қиз унаштирилган ҳолда гаплашиб юриш билан ўзаро жанжаллашиб, бир - бирларидан совиб қолишлари мумкин. Ҳали бир-бирини яхши билмаганидан ўртада турли одобсизликлар, дилхира гап-сўзлар бўлиши мумкин. Никоҳдан олдин шайтон кўп фитналар қилади. Никоҳнинг баракаси билан бу фитналар, одатда, анча камаяди. Айниқса, тўй шаръий қоидалар асосида эҳсон-садақа шаклида чиройли ўтган бўлса. Бироқ никоҳдан олдин арзимаган хато ришталарни мутлақо узиб юбориши мумкин. Шу сабаб ҳам, унаштирилгандан кейин то никоҳ бўлиб, бирга яшагунча гаплашиб юриш яхши оқибатларга олиб бормайди.

3. Унаштирилгандан кейин кўпинча унаштирув бекор қилинса, бу қизнинг кейинги ҳаётига салбий таъсир қилиши, унинг совчилари камайиб, бошқа муносиб жуфт топиши қийинлашиши мумкин.

4. Унаштириш билан боғлиқ ва унинг ортидан келадиган тўйгача бўлган беҳуда маросимлар ва сертакаллуф борди-келдилар томонларни чарчатади, ортиқча чиқим, исроф ва оворагарчиликларга, бемаъни одатлар ва тамаъгирликларга олиб келади.

Арабларда никоҳдан кейин эркак ва аёл хилватда қолгунча ўзаро гаплашиб юриш одати бор.

Кўп араблар никоҳ ўқитиб, бироқ тўй қилмай ва бирга ёлғиз қолмаган ҳолда ойлаб гаплашиб юришади. Мабодо, муносабатлари ижобий бўлмаса, бир талоқ билан никоҳ бекор бўлади. Маҳрнинг ярми берилади.

Бироқ бу одат шаръан жоиз бўлса-да, бизнинг диёр аҳли урфида бўлмагани ва ортидан турли фитналар урчиши мумкинлиги сабабидан,

бизнинг диёрларда бундай қилишдан сақланишга буюрилади.

Шундай экан, унаштириш деган нарсани камайтириб, никоҳни тезлаштириш ва тўйларни осонлаштириш керак. Валлоҳу аълам.

Маҳмуд Усмон